САВОЛ СИЗДАН, ЖАВОБ БИЗДАН — 2-бет
ТВ «ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ — 3-4-5-бетлар
СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ — 6-бет
ТИЛ — МИЛЛАТ ҒУРУРИ — 7-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ | № 207 (10.010) | 2003 ЙИЛ 24 ОКТЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

**Тезкор давримизда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражаси сезиларли равишда ошаётганлиги қувонарли ҳолдир. Зеро, уй бекаларининг рўзғор юмушлари анча енгиллашиб, кўпроқ вақтларини фарзандлари тарбиясига бағишлашлари мумкин. Шундай хайрли иш билан машғул бўлган маиший хизмат кўрсатиш корхоналари йилдан-йилга кўпайиб, улар орасида рақобат кучайиб бормоқда.**

## АҲОЛИ УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Шайхонтоҳур туманида самарали фаолият юритаётган 6-маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси кўп йиллардан буён нафақат яқин-атрофдаги, балки шаҳримизнинг бошқа туманларида истиқомат қилувчи аҳоли буюртмаларини ҳам сифатли адо этмоқда. Бу ерда малакали ишчи-хизматчилар хорижий дастгоҳ ва ускуналар ёрдамида гилам тозалаш, кийим-кечакларни кимёвий тозалаш, уларга ишлов бериш, бўяш, ҳатто таъмирлаш ишларини ҳам сифатли бажариб келмоқдалар.

Корхона фаолиятининг самарадорлиги мавжуд технологияларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ, албатта. Шохобчадаги Германиядан келтирилган «Кенигистер» машинаси республикамизда ягона бўлиб, унда эни 5 метргача бўлган барча турдаги жун ёки синтетик толадан тўқилган гилам, палослар сифатли тозаланади.

— Жорий йил бошидан буён шохобчанинг 11 нафар ғайратшижоатли ишчилари томонидан фақатгина гилам тозалаш бўйича аҳолига 4,5 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди,—дейди корхона раҳбари Аброр Эгамбердиев. — Бундан ташқари шу давргача 1 миллион сўмликдан ортиқ бошқа турдаги хизматлар ҳам ўз вақтида бажарилиб, мижозлар мамнун этилди.

Эътиборли томони шундаки, мазкур маиший хизмат шохобчасида ҳамма буюртмалар аҳоли талаб-истагига биноан 1 соатдан 24 соатгача бўлган вақт мобайнида бажарилиши мумкин. Шу билан бирга, аҳолидан буюртмалар телефон орқали қабул қилиниб, сўнгра мижозларнинг уйларига етказиб бериш ишлари ҳам ҳамшаҳарларимиз учун яратилган яна бир қулайлик ҳисобланади. Асосийси, бу ерда нархлар хусусий хизмат кўрсатувчи шохобчалардан сезиларли даражада арзон ҳамдир, жумладан иш учун ҳақни нақд ёки пул ўтказиш йўли билан ҳам тўлаш мумкин.

6-маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ишчи-хизматчилари замон талабларидан келиб чиққан ҳолда доимо изланишда. Улар шу кунларда шохобчада янги хизмат турини йўлга қўйиш борасида саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар. Яъни, улар аҳолидан кир ювиш учун буюртмалар қабул қила бошлайдилар. Бу юмушни аҳил жамоа аҳли жорий 2003 йилнинг охиригача амалга оширишни ўз олдиларига аниқ мақсад қилиб қўйганлар.

Мустақиллик туфайли тармоқда яратилган янгилик, қулай шарт-шароитлар корхона аҳли фаолиятида ҳам ўз самарасини бермоқда. Ҳадемай, шохобчада янги хизмат тури йўлга қўйилиши билан жамоа хизматидан баҳраманд бўлаётган ҳамшаҳарларимиз сафи янада кўпайиши шубҳасиз.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**





**СУРАТЛАРДА: 6-кимёвий тозалаш шохобчасининг буюртма қабул қилувчи малакали ходими Сабоҳат Илёсова ва раҳбар Аброр Эгамбердиевлар тозалаш сифатини кўздан кечирмоқдалар; ёш, ғайратли оператор «Текстема» машинасини моҳирона бошқармоқда. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** «Бунёдкор» ёшлар телеклубида жорий йилнинг БМТ томонидан «Халқаро Чучук сув йили» деб номланганлиги муносабати билан «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ҳамкорлигида «Сув — келажак учун» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Ўзбекистон Миллий боғида Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси, Маданият ишлари вазирлиги, Республика таълим маркази, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубиёт маркази ҳамкорликларида ўтказилган бадиий-мусиқий тадбир «Фарзанд тарбияси — маънавият белбоғи» деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси марказий банкида банк соҳаси мутасаддилари ҳамда мутахассислари иштирокида уюштирилган йиғилиш валюта бозорини эркинлаштириш ҳамда жорий операциялар бўйича миллий валютани айирбошлаш масаласига бағишланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ЎЗБЕКИСТОН-ЮНЕСКО: ҲАМКОРЛИККА ЎН ЙИЛ

**2003 йил 26 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО аъзолигига қабул қилинганига 10 йил тўлади.**

Маълумки, ЮНЕСКО таълим, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик орқали тинчлик ва хавфсизлик ғояларига хизмат қилишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Халқимизнинг бой маданий ва тарихий ўтмиши мазкур халқаро ташкилот томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб келинаяпти.

Бундан ўн йил муқаддам ЮНЕСКОнинг тенг ҳуқуқли аъзолигига қабул қилинган Ўзбекистон унинг фаолиятида фаол иштирок эта бошлади. 1997 йилда аъзо давлатлар вакиллари Ўзбекистоннинг ташкилот дастурларини амалга оширишдаги салмоқли улуши ва алоҳида ўрнини эътироф этиб, мамлакатимизни раҳбар орган- Ижроия кенгашга сайлашди. Бу эса ўз навбатида ҳамкорлик истиқболларига янги салоҳият бағишлади.

1996 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ЮНЕСКО бош қароргоҳига ташрифи ўзаро муносабатларнинг янада ривож топишида муҳим омил бўлди. Давлатимиз раҳбари Ижроия кенгашда маъруза қилди ва Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейига бағишлаб ушбу халқаро ташкилотда ўтказилган тадбирларда иштирок этди.

1998 йил 6-8 ноябрь кунлари Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати таклифига биноан ЮНЕСКО Ижроия кенгаши 155-сессиясининг якуний мажлиси бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, бундай кўчма йиғилиш шу пайтгача МДҲ давлатларида ҳали уюштирилмаган эди. Сессия якунида «Тинчлик маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо мамлакатлардаги фаолияти» деб номланган Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил қилинган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ЮНЕСКО ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг янги қирраларини очди. Жаҳоннинг ўнлаб давлатлари вакиллари ўз мусиқа санъатини намойиш этиш учун ҳар икки йилда бир марта Самарқандда тўпланишади. Фестиваль ғолиблари учун таъсис этилган мукофотлар орасида ЮНЕСКОнинг махсус соврини муҳим нуфузга эга.

Ўзбекистон динлараро мулоқотни ривожлантиришга катта эътибор бериб, ЮНЕСКОнинг бу йўналишдаги кенг кўламли фаолиятини юқори баҳолайди. Шу боис мамлакатимиз ташаббуси билан 2000 йил 13-14 ноябрь кунлари ташкилот ҳомийлигида «Жаҳон динлари тинчлик маданияти йўлида» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди ва унинг якунида Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Сўнгги йилларда илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида ЮНЕСКОнинг еттита кафедраси фаолият кўрсатаётгани, 1995 йил 5 июль куни Самарқандда Марказий Осиё халқаро тадқиқотлар институтига асос солингани бу соҳада ҳамкорликнинг истиқболлигидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг қадимий цивилизациялар тимсолини ўзида мужассам этган кўплаб тарихий обидалари бугун Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Улар орасида Самарқанд, Хива, Бухоро ва Шаҳрисабзнинг меъморий осори атиқалари бор. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон ал-Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмалар тўплами ҳамда «Усмон Қуръони»нинг асл нусхаларидан бири эса «Жаҳон хотираси» халқаро реестрида қайд этилган.

ЮНЕСКО ҳомийлигида турли йилларда мамлакатимизда Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад ал- Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Камолиддин Беҳзод каби машҳур бобокалонларимиз ва Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз шаҳарлари, «Авесто» китоби, «Алпомиш» халқ достонининг юбилейлари ўтказилган.

**«ЖАҲОН» АА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Тошкент Халқаро бизнес марказида World Tr@de Net дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига кириши хусусида сўз борди.**

● **Қашқадарё вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда пахта теримининг бориши, теримчи ва ҳашарчиларга яратилаётган шароитлар ҳамда кузги дон экишнинг аҳволи муҳокама этилди.**

● **Республика Болалар бадиий ижоди марказида Маданият ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда Обод маҳалла йилига бағишланган ёш рассомларнинг кўргазмаси очилди.**

● **«Ўзстандарт» агентлигида бўлиб ўтган семинар маҳсулот сифатига зарар етказмаган ҳолда унинг давлат стандартига мувофиқ келишини аниқлаш масаласига бағишланди.**

● **Ўзбекистон Фанлар Академиясининг «Академанжом» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига Америка фуқаролик тадқиқотлари ва тараққиёт жамғармаси (CRDF) гранти асосида олинган технологик лазер мажмуаси топширилди.**

● **«Оҳангаронцемент» очиқ акциядорлик жамияти маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширди. Ҳозир бу ерда ойига ўртача 100 минг тоннагача цемент тайёрлашга эришилмоқда.**

● **Учкўприк туманидаги собиқ тикувчилик корхонаси ўрнида бир йилда 2 миллион погон метр бахмал ишлаб чиқаришга ихтисослашган SOLI ТЕКС масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.**

● **Навоий вилоятининг энг чекка қишлоқларидан бири — Тасмачида 2 минг ўринли замонавий спорт мажмуи қуриб, фойдаланишга топширилди.**

### Жаҳонда

● **Кеча Мадридда Ироққа молиявий ёрдам кўрсатувчи донор мамлакатлар конференцияси очилди. Унда дунёнинг 60 га яқин давлатлари ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.**

● **Европа комиссияси Европа молия қонунларини 3 йилдан бери бузиб келаётган Францияга қарши санкция қўлламасликка қарор қилди.**

● **Эрон келажакда ядровий қуролга эга бўлиши мумкин деган тахминлар йўққа чиқиши кутилмоқда. Чунки мамлакатнинг олий даражадаги раҳбарлари ядровий қуролларни ишлаб чиқиш, сақлаш ва тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага илова тариқасидаги қўшимча баённомани имзолашга тайёр эканликларини билдирдилар.**

● **Америкалик кўзбойлоғич Дэвид Блейн Лондондаги машҳур Тауэр-Бридж кўчасида кран учидаги пластмасса қафасда 44 кун узлуксиз ўтирди. Қизиғи шундаки, у овқат тановул қилмади, кунботарда бир қултумгина сув ичди холос.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Турар жойни бошқа шахсга ўтказиш, хусусийлаштирилган квартира ёки уйни сотиш, айирбошлаш, ҳадя қилишда ёки ижарага беришда нималарга эътибор қилинади?**

**Ж.Рафиқова, тадбиркор**

Мулкдорнинг вояга етмаган оила аъзолари яшаётган турар жойни, уларнинг ота-онаси бўлмаган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билангина бошқа шахсга ўтказиш мумкин.

Хусусийлаштирилган уй-жой эгасининг вояга етмаган оила аъзолари манфаатларини уларнинг ота-онаси, ота-она бўлмаган тақдирда эса васийлик органлари ҳимоя қилади.

Ўзларига умумий мулк ҳисобида тегишли бўлган хусусийлаштирилган квартира ёки уйга нисбатан қуйидагилар:

1) хусусийлаштирилган квартира ёки уй эгасининг вояга етган оила аъзолари;

2) уй-жойнинг хусусийлаштирилишига розилик берган шахслар қонунда белгиланган тартибда тенг ҳуқуқларга эга бўладилар ва тенг мажбуриятларни бажарадилар.

Хусусийлаштирилган квартира ёки уйни сотиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш ёки ижарага беришда квартира ёки уй мулкдорининг вояга етган оила аъзолари ҳамда квартира ёки уйнинг хусусийлаштирилишига розилик берган шахсларнинг розилиги олиниши керак.

Кўчириб киритиш, кўчириш, уй (квартира) таъминоти учун сарфланган харажатларга доир низолар суд тартибида ҳал этилади.

* * *

**Вояга етган, лекин меҳнатга лаёқатсиз, ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлган болаларига ота-онанинг таъминот бериши қонун билан мустаҳкамлаб қўйилганми?**

**М.Бекжонова, шифокор**

Ҳа, бу қонунда белгилаб қўйилган. Оила кодексининг 100-моддасида қатъий қилиб айтиладики, отаона вояга етган, лекин меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериши шарт. Бунда таъминот бериш ота-онанинг келишувига биноан амалга оширилади. Ота-она ўртасида бундай келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибида ҳал қилинади.

Суд ота-онадан унинг вояга етган, лекин меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож боласига (болаларига) ундириладиган алиментнинг миқдорини алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олиб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгилайди.

* * *

**Халқ табобатида болаларни уй шароитида даволашнинг оддий усуллари ҳам борлигини биламиз, шу ҳақда маслаҳат берсангиз.**

**М.Низамова, У.Ҳайдарова, уй бекалари**

Боланинг ҳарорати 38° га чиқа бошласа сочиқни сирка билан аралаштирилган сувда хўллаб, бир оз ғижимлаб, сўнгра боланинг бутун танасини оёғидан бошлаб артиб чиқмоқ лозим. Шундан сўнг болани қуритмай туриб ўринга ётқизиш керак. Бу усулни кунига бир неча марта такрорлаш мумкин.

Боланинг қорни оғриса мойчечакли дамламадан фойдаланса бўлади. Қуритилган мойчечак дорихоналарда бор. 2 чой қошиқ мойчечак билан бирга қуритилган ялпизни тенг миқдорда олиб стаканга солинади-да, устидан қайнаб турган сув қуйилади. 10 дақиқа дамланади. Сўнг докадан ўтказилиб иссиқ ҳолда ярим стакандан кунига 2-3 марта болага берилади. Бу усулларнинг самарали эканлигини вақт ва тажриба исботлаган.

## Иқтисодиёт

## ЯНГИ БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА

**Пойтахтда самарали фаолият юритаётган корхоналар талайгина. Шулардан бири «UPAKMASHAVTOMAT» конструкторлик бюроси очиқ акционерлик жамияти меҳнат аҳли ички бозоримизни сифатли, чидамли саноат ускуна, дастгоҳлари билан тўлдирмоқда.**

Шу кунларда жамиятнинг ишчи-хизматчилари иккита катта буюртмани бажаришга киришишган. Улардан бири — Янгийўл ёғ-мой комбинати учун совун кесадиган ускуна бўлса, шунингдек, сурхондарёлик мижозлар учун шартнома асосида катта линия тайёрлаш ишлари қизғин кечмоқда. Унинг таркибига газли сув учун шиша идиш тайёрловчи, сув қуювчи, прессқолип, қопқоқлаш каби барча жараёнларни қамраб олувчи ускуна ва дастгоҳлари киради.

Бундан ташқари, жамият ишчилари Деновдаги корхонанинг дастгоҳ ва ускуналарини таъмирлаб беришди. Шунингдек, Россия ва Тожикистон давлатларига саб завот кесадиган ускуналар экспорт қилинди.

Жиззахлик мижозлар учун эса жамият ишчилари 14 литр ҳажмли идишлар тайёрлаш учун ускуналарни йиғишга киришишди. Умуман, корхонада буюртмачининг хоҳиш-истагига биноан, барча турдаги ускуна ва дастгоҳлар тайёрланади.

## МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ ОРТАДИ

**«Иргидромаш» ҳиссадорлик жамияти республикамиздаги йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Энг муҳими, унинг маҳсулотлари сифатли, чидамли, рақобатбардош, асосийси эса нисбатан арзонлиги.**

Мазкур жамиятда бугунги кунда 500 нафардан зиёд малакали ишчи-хизматчилар асосан халқ хўжалиги ва энергетика соҳаларида ишлатиладиган гидроэлектрли ҳамда йирик насосли станциялар учун жиҳозлар, сув иншоотлари учун мўлжалланган тўсинлар, металл конструкциялар, кўприкли ва кўтарма кранлар, ностандарт ва механик ускуналарни ишлаб чиқармоқдалар.

Бундан ташқари корхонада 70 дан ортиқ турдаги эҳтиёт қисмлар ҳам тайёрланади. Корхона цехларига ўрнатилган замонавий технологиялар, ишчи-хизматчиларнинг меҳнатлари самараси ўлароқ сифатли маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдирмоқда. Ўтган йили бу ерда 2 миллиард сўмликка яқин маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил ундан ҳам кўпроқ буюртма бажарилиши режаланган.

Йил охиригача жамоа тадбиркорлари яна бир янги маҳсулот турини ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар.

**Муқаддас УМАРБЕКОВА**

## ФИРИБГАРНИНГ БОЛАСИ

Суд маҳкамаларидан бирида ўрта ёшли басавлат киши билан учрашиб, танишиб қолдик.

— Ҳа, тинчликми? — деб сўрасак у:

— Эй биродар, бировга яхшилик қиламан деб бошимизга бало орттириб юрибмизда.

Гап-гапга уланиб қолди.

— Бир неча йилдан бери тадбиркорлик қиламан. Иккиучта ошхонам бор. Топиш-тутишим яхши. Бир дам олиш куни дўстлар билан маслаҳатлашиб чойхонада ошхўрлик қиладиган бўлдик. Қўлимда бир даста пул. «Олой» бозорида харажат қилиб юрсам кутилмаганда беш-олти ёшли қизалоқ югуриб келиб «адажон» дея бўйнимга осилиб қолди. Ноқулай вазият. Ҳамма ҳайрон. Нима қилишимни, нима дейишимни билмайман. Шу тобда башанг кийинган, қаддибасти келишган ёшгина бир аёл биз томон тез-тез юриб келди-да, қизалоқни мендан аранг ажратиб олди. Кейин ўксиб деди:

— Кечирасиз, сизни адасига ўхшатди шекилли. Бола-да, отасини соғинади.

— Отаси қаерда? — беихтиёр сўрадим ундан.

— Бизни ташлаб кетиб қолган. Қизалоғим «Адамга бораман» деб қўймаганидан кейин уни қидириб Бухородан Тошкентга келдик. Билган манзилимиз бўйича борсак у жойдан аллақачонлар кетиб қолган экан. Шунақа қилиб дарбадарликда юрибмизда акажон.

Ночор аҳволда қолган аёлга, «адажон», деб бўзлаб турган қизалоққа раҳмим келди.

— Энди нима қилмоқчисизлар?

— Билмасам, — ғарибона елкасини қисди аёл.

— Уйга қайтасизларми?

— Йўқ. У ердан шу қизалоқни, унинг номард отасини деб уйдагиларнинг раъйига қарамай ўзбошимчалик билан чиқиб кетганмиз. Ҳарқалай улар энди биз бахти қароларни кечиришмаса керак.

Одамгарчилик юзасидан уларга иш жойим манзилини ёзиб бердим. Агар бирор ёрдамим керак бўлса албатта қўнғироқ қилишларини айтдим.

Эртасига тушлик пайти ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланиб ўтирсам хизматчилар ташқарида бир аёл мени йўқлаётганини айтишди. Билдимки ўша. Кўринишим билан яна кечаги аҳвол такрорланди. Ҳаммани лол қолдириб қизалоқ югуриб келиб «адажонлаб» бўйнимга осилди. Яна онаси келиб уришиб-нетиб уни мендан айириб олди.

Ночор уларни ичкарига таклиф қилдим. Бир пиёла чой устида яқиндан танишдик. «Уйга қайтмадингизларми?» деб сўрасам, «Энди қайтмаймиз адамизни топиб олгунча бирор бошпана топиб яшаб турамиз. Шу масалада ёрдам берсангиз хурсанд бўлардик», деди аёл кўз ёш тўкиб.

Одамлар савоб учун не-не ишларни қилаётганда мен шу ночор аёлга ёрдам берсам-берибманда, — деган мақсадда «Қани ўйлаб хабарлаб кўрайчи. Агар иложи топилса айтарман», дедим.

— Бизни жуда ночор экан-да деб ўйламанг, акажон. Пулидан қочмаймиз. Йиғиб-терганимиз бор. Ишқилиб холи, яхши жой бўлса бўлгани, — деди аёл бироз нозланиб.

Эртасига шу ҳақда яқин бир ўртоғимга гап очсам у.

— Мўмин-мусулмон бўлса майли. Шартнома билан чет элга кетган қизим билан куёвимнинг уч хонали безатиқли уйи шундоқ турибди. Ўзимиз уйнинг ёлғизлигидан хавотирда эдик. Қайтага одам қўйсак қўриқлаб туради, кўнглимиз тўқ бўлади, — деди.

Хуллас Зулхуморни боласи билан ўша уйга жойлаштирдик.

Орадан уч-тўрт ой ўтди. Дўстимнинг аёли улардан хабар олиб турди. Бир куни унга қўшнилар Зулхуморни роса мақташибди.

— Барака топсин, қўшни бўлса шунақа бўлса-да, бирам ширин сўз, бирам меҳрибонки, тилидан бол томади. Раҳмат сизга овсинжон, бизга шундай қўшни топиб берганингиз учун, — дейишибди. Хотини бу гапни оқизмай-томизмай эрига айтибди. Дўстим уни менга етказди.

Шундай кунларнинг бирида анча кеч эшик тақиллаб қолди. Бориб очсам дўстим аёли билан безовта турибди.

— Ҳа, нима гап, тинчликми? — деб сўрасам у.

— Худо уриб қолди биродар. Зулхуморингиз фирибгар экан. Бутун уйни шип-шийдам қилиб жўнаб қолибди.

— Йўғ-ей,

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

## ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

ахир аёл киши шунча жиҳозларни қандай қилиб уйдан олиб чиқиб кетади. Бунинг устига кўздек қўшнилар бўлса.

— Шунисига қўшнилар ҳам ёқа ушлаб туришибди-да биродар. Уларни «уй эгалари хонадонни менга топшириб ўзлари бошқа уйга кўчишяпти», деган гаплар билан ишонтириб уч-тўрт йигит ёрдамида юкларини машинага ортиб жўнатибди-да.

Ишонмай уйга бордик. Ичкарига кирдик. Қай кўз билан кўрайликки, уй ўғри ургандек ҳувиллаб ётибди.

— Бирор борар жойини биласизми, — сўради дўстим мендан.

Мен бош қимирлатиб бу аёл бутунлай нотанишлигини айтдим. Кейин уч-тўрт кун у ёқ бу ёқни қидирдик, тополмадик. Хуллас мана уч ойдирки, емаган сомсага пул тўлаб судлашиб юрибмиз энди.

Шу тобда кўзимизга «адажон»лаб жовдираб турган ўша қизалоқ кўрингандек бўлди. Унинг келажак тақдири ҳақида ўйлай бошладик. Фирибгар она ёш қизга шу пайтдан ўз усулини тўтиқушдек ўргатиб турса, йиллар ўтиб қизалоқ вояга етгач нима бўлади? Ҳалитдан у шундай «тарбия» кўриб бораверса, вақти келиб фирибгарликда онасидан ўн чандон ўтиб тушмасмикан? Ана шу савол бизни қийнарди.

## БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ КУНИ

**1945 йилнинг 24 октябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми кучга кирди. 1948 йилдан эътиборан эса бу кун БМТ куни сифатида нишонланади.**

Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, тажовузкорлик хатти-ҳаракатларининг олдини олиш, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва инсонпарварлик соҳаларидаги халқаро ҳамкорликни амалга ошириш БМТ мақсадларидандир.

Ҳозирги пайтда БМТ аъзолигига 191та давлат киради.

1992 йилнинг 2 мартида мустақил Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига кириб, унинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Ўтган муддат давомида мамлакатимиз ўзининг тинчликпарвар мақсадлари ва оқилона ташқи сиёсати туфайли халқаро майдонда катта нуфузга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов БМТнинг юқори минбаридан сўзлаган нутқларида дунё ва минтақа миқёсида халқаро терроризмга қарши курашда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, гиёванд моддалар тарқалишига чек қўйишда барча давлатлар саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, Марказий Осиё минтақасидаги долзарб экологик муаммоларга эътиборни қаратиш заруратини таъкидлаган.

Тинчлик ва тараққиёт тушунчалари замонамизнинг асосий ғояси ва барча халқларнинг эзгу орзу-умидларига айланиб қолган. Сўнгги йиллардаги воқеалар курраи заминимизнинг турли чеккаларида рўй бераётган ҳарбий қарама-қаршиликларни бартараф этишда БМТнинг нечоғлик муҳим мавқега эгалигини кўрсатаяпти.

Бироқ сўнгги пайтларда БМТ ўз фаолиятида қатор муаммоларга дуч кела бошлади. Баъзи давлатлар томонидан БМТ Хавфсизлик кенгаши қарорларини эътиборга олмаслик ҳолатлари, молиявий маблағларнинг чегаралангани ва ташкилотни тубдан ислоҳ қилиш зарурати шулар жумласидандир.

Айни пайтда БМТнинг тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти каттадир ва ҳеч қайси ташкилот унинг ўрнини боса олмайди. Халқаро муаммоларга ечим топишда БМТ Низоми ва тамойиллари асосий меъёр бўлиб қолмоғи даркор.

**Баҳодир МАМАЖОНОВ,**
**«Жаҳон» АА,**
**Нью-Йорк шаҳри**

*Покланиш*

## РАМАЗОН ОЙИ АЗИЗ ВА МУҚАДДАСДИР

**Индинга бутун Ислом оламидаги каби бизнинг юртимизда ҳам Рамазон ойи бошланади. Рамазон арафасида инсон қалбини руҳий сокинлик, иймон лаззатига талпиниш, Яратганнинг ризолигини топиш каби улуғ туйғулар қамраб олади. Бу вақтда бутун олам тин олади, жанжаллашган инсонларнинг ўзаро адоватлари биродарликка айланади. Моҳи рамазон инсонларни иймон, инсоф, эзгулик ва покликка чақиради.**

Рамазон ойи ибодат учун энг хайрли дамлар қилиб белгиланганлиги ҳеч кимга сир эмаслиги билан бирга, бу муборак ойнинг сокин тунларида Аллоҳнинг раҳмати ер юзига нур бўлиб инсон вужудига сингиб кетади. Бир ой давомида қалб Аллоҳга, унинг раҳматига улфат бўлиб, Яратганнинг марҳаматига сазовор бўлади. Шу ой шарофати билан Аллоҳ унинг гуноҳларини мағфират қилишини тасдиқлаган ҳолда, Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломнинг: «Рамазон ойида ихлос, эътиқод ва Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиб, ибодат қилган кишининг ўтмиш гуноҳлари мағфират қилинади», деган улуғ ҳикматларини эслашнинг ўзи мусулмон кишини бу ойда қандай улуғ ажру савоблар кутаётганлигидан далолатдир.

Рамазон ойининг фазилатлари тўғрисида гапирган сайин киши қалбида ўзгача бир шукуҳ пайдо бўлади. Зеро, Рамазон ойида тутилган рўза кишининг руҳан иродасини мустаҳкамлаб, ахлоқан тарбиялаб сабру қаноатга ўргатиб, нафсоний ва ҳирсий орзу- ҳавасларига чек қўяди, инсоф-диёнатга ўргатади, инсонларни икки дунё саодати йўлига бошлайди. Шуни ҳам айтиш керакки, баъзилар рўза тутади, лекин очликка чидай олмай ёки чекишга ўрганиб қолган тана хуморига бардош беролмай заҳарини оила аъзоларига сочади, яхши ният умидида қилинган амал ўз зарарига бўлиши тўғрисида ўйламайди. Бу ҳолат ҳаётда учраб турган қусур бўлиб, ҳеч бўлмаганда рамазон ҳурматидан азият беришдан тийилиб турсак бўлмасмикан? Зеро, рўза тутиш фақатгина таомдан тийилиб юриш дегани эмаску, балки ҳар қандай гуноҳлардан ўзини сақлаб, хушмуомала бўлиш, қўлидан келгунча бошқаларга ёрдам бериш билан бирга, тилидан ва қўлидан инсонларга зарар етказишдан сақланиш демакдир.

Рамазон ойида жамиятимиз дуо гулшанига бурканиб эзгулик ўчоғига айланади. Аллоҳга эътиқод қилган юртнинг самимий халқи бу муборак ойда мискин, ёрдамга муҳтож ва етим-есирларга маънавий ҳамда моддий томонлама таянч бўлишлари лозим. Бу хусусида Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом: «Кимики бир етимнинг бошини силаса, жаннатда мен билан ушбу икки бармоғим каби бирга бўлади», деб марҳамат қилганлар.

Азизлар, ушбу кириб келаётган мурувват ойини самарали ўтказган ҳолда халқимиз манфаати йўлида эзгулик таратишни ўзимизга дастури амал қилайлик. Рамазон ойининг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, қўлимизни дуога очиб Яратгандан она-юртимиз осмони тинч ва мусаффо, халқимиз ҳаёти фаровон, дастурхони тўкин бўлишлигини сўрайлик. Албатта бу ойларда қилинган дуолар мустажобдир. Барчамизга Рамазон ойи муборак бўлсин.

**Саидакмал САИДНУРИДДИНОВ,**
**Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази ходими.**

## ҲУҚУҚИЙ БИЛИМНИ ОШИРИШ ЗАРУР

**Тошкент Давлат юридик институти қошидаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича юридик клиника” фаолиятининг 2003-2004 ўқув йилидаги янги мавсумини ташкил этишга бағишланган тадбир ўтказилди. Унда АҚШ, Буюк Британия, Германия элчихоналарининг вакиллари иштирок этди.**

Мазкур клиникада мутахассислар ва бўлғуси ҳуқуқшунослар томонидан аҳолига бепул ҳуқуқий хизмат кўрсатилади. Айниқса, талабалар томонидан ушбу соҳанинг долзарб масалаларини қамраб олган махсус илмий журнал нашр этилаётганлиги диққатга сазовор. Гиёвандлик ва унинг салбий оқибатлари, шунингдек, ёшлар орасида кўп учраётган ҳуқуқбузарликлар ҳамда уларнинг жиноят кўчасига кириб қолиш ҳолатлари олдини олиш мавзуида чоп этилаётган рисолалар ҳам клиника аъзоларининг саъй-ҳаракатлари маҳсулидир. Эндиликда клиника тармоқлари сонини кўпайтириш ва унга малакали мутахассисларни жалб этиш кераклигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан дипломатик корпус вакиллари ва институт раҳбарияти бундай клиникаларнинг инсонлар ҳуқуқий билимини оширишдаги ўрни хусусида ҳам тўхталиб ўтдилар. Шу пайтгача юридик клиникага 200 дан ортиқ киши мурожаат қилган бўлса, шуларнинг 100 нафарига бевосита талабаларнинг ўзлари ёрдам ва маслаҳатлар беришган. Айрим ҳужжатларни расмийлаштириш йўл-йўриқлари, ижтимоий таъминот ва суд ҳуқуқ тизимидаги янгиликлар борасидаги маълумотлар ушбу маслаҳатхонага келувчиларга маъқул бўлмоқда. Клиника фаолиятида янги мавсумнинг очилиши ҳамда вилоятларда махсус бўлимларнинг ташкил этилаётганлигини аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш борасида қўйилаётган бир қадам деса бўлади.

**“Туркистон-пресс”**

*Тақдимот*

## СПОРТ МАШҚЛАРИ — СОҒЛОМЛИК ГАРОВИ

**Униб-ўсиб келаётган ёшлар келажак эгаларидир. Уларнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб вояга етишлари йўлида республикамизда катта саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Хусусан, уларнинг жисмонан соғлом бўлишларини кўзлаб болалар спортини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.**

Куни кеча «Бунёдкор» ёшлар телеклубида бўлиб ўтган жисмоний тарбия ва спорт машқлари акс этган плакатлар тақдимоти ҳам айнан мана шу мақсад учун хизмат қилди.

«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими томонидан ишлаб чиқилган спорт плакатлари айнан болалар спортига кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди десак янглишмаймиз. Ёш авлодни, хусусан мактаб ўқувчиларини ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом қилиб тарбиялаш, баркамол фарзандларни вояга етказиш, келажакда таниқли спортчиларни тарбиялаш мақсадларини кўзлаган ҳолда ишлаб чиқилган бу плакатлар 1-синфдан 11-синфгача бўлган мактаб ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, ҳар бир ёшдагилар учун алоҳида жисмоний тарбия ва спорт машқларини ичига олади.

— Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни оммавий тарзда спортга жалб қилиш мақсадида ташкилотимиз ушбу хайрли ишга қўл урди, — деди тадбирда сўз олган «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими раиси Фуркат Махмудхўжаев. — 12.000 та плакатлар пойтахтдаги барча мактабларга тарқатилади ва ўқувчилар улар ёрдамида эрталабки бадантарбия орқали ўз саломатликлари йўлида 5-10 дақиқа бўлсада шуғулланишларига имконият яратилади.

Аввало мактабларимиздаги барча жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ва «Камолот» етакчилари «Бунёдкор» клубига таклиф этилади, плакатлар мазмун-моҳияти ўргатилади, шундан кейин улар мактабларда иш олиб борадилар. Ниятимиз эртамиз соғлом, бақувват, кенг тафаккурли авлод қўлида бўлсин.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшлар саломатлиги йўлида қўйилаётган ҳар бир қадамнинг хайрли натижалари, айниқса бу борада «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлимининг яхши ташаббус билан чиққанлиги ва у албатта республикамиз бўйлаб қанот ёзиши лозимлиги ҳақида гапириб ўтдилар.

Тақдимот давомида «Бунёдкор»га ташриф буюрган барча меҳмонлар плакатлар мажмуи билан танишдилар ва ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавобларни олдилар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

### ҒАРАЗ НИЯТЛИ «ОШИҚ»

**Алишернинг иши охирги пайтлар юришиб турувди, лекин нима бўлди-ю, бозордаги маҳсулотлари кетмай қолди. Сотаётган техника воситаларининг нархини арзонлаштирди,аммо аҳвол ўша-ўшалигича қолаверди. Кечқурунлари уйига борган Алишернинг қон босими кўтарилиб, сал нарсага жиғ-биғ бўла бошлади. Унинг бу аҳволини кўрган Алишернинг турмуш ўртоғи Шаҳноза нима бўлганини сўради. Алишер «ичимдагини топ» деганларидан бўлгани учун ҳеч нарса айтмади. Шаҳноза бўлса, «барибир билиб оламан» деган маънода эрига айёрона кулиб қўйди.**

Алишернинг хотини чиройли, ҳеч ким ҳали унинг ёнидан беэътибор ўтиб кета олмаганди.

Алишер савдо қилаётган бозорда нуқул дайдиб юрадиган бир кимса Шаҳнозани бир кўришдаёқ ёқтириб қолган, ўзига-ўзи «шу аёлни барибир забт этаман», деганди. Бир неча уринишлардан сўнг у Алишерга дўст тутиниб айтганини қилди, чунки у аёллар билан қандай муносабатда бўлишни биларди.

Шаҳноза ундан эрига нима бўлаётганини сўради. Бўлган ишлардан хабар топган аёл эрига ачинди. Унинг бу ачинишидан ғараз ниятли эркакнинг нафси «озодликка чиқди» ва агар Шаҳноза эрини кўндиришга ёрдам берса, унинг молларини осонлик билан сотиб беришини айтди. Бу гапларга Шаҳноза чиппа-чин ишонди ва унинг айтганларини бажарди. Иккала тарафдан тушган бундай таклифга Алишер ўйланиб ҳам ўтирмай дарров рози бўлиб қўя қолди. . .

Мурувват кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, илгари судланган Р.Ҳикмат «Нота-255» магнитафони, S-50-B колонкалари, «Маяк-232» магнитафони, AS-3501 колонкалари, «Радиотехника-101» овоз кучайтиргичларини олиб ғойиб бўлди. Шаҳноза бўлган воқеани турмуш ўртоғига айтиб беришга мажбур эди. Алишер вақтни ўтказмай милиция ходимларига қўнғироқ қилди. Вақтида қилинган ҳаракат туфайли жиноятчи қўлга олинди. Аммо у ўзига керакли бўлган хулосани олдимикан? Ким билади, агар Р.Ҳикмат нафсини жиловлай олганида эди, у ҳозир ўз уйида оила аъзолари атрофида ўтирган бўларди.

### ТАЛОНЧИНИНГ ҲОЛИ ВОЙ

**Сайёра бугун ҳар галгидек кечроқ турди, турди-ю дарров соатга қаради, соат миллари унинг ўқишга кеч қолаётганидан хабар бериб турарди. Қизалоқ апил-тапил кийина бошлади. Тунда оила аъзолари билан ҳинд кинофильмини кўриб, хонадондаги ёшу қари ширин уйқуга «асир» бўлишганди. Ҳатто Сайёранинг онаси ҳам ҳар кунгидан кечроқ турди. Тезда чой тайёрлаб қизини чақирди.**

Аммо Сайёра уйдан отилиб чиқиб кетди. Онаси ҳай-ҳайлаганча қолаверди.

Шунча тез юрганига қарамай Сайёра барибир кеч қолишини билиб, 2-дарсга борарман деб қадамини секинлатди. Шу пайт Сайёранинг орқасидан кимдир шашт билан юриб келиб кўзининг олдига пичоқ ўқталди. Хаёл суриб кетаётган қизалоқ чўчиб кетди ва бундай ҳамладан юраги гуп-гуп ура бошлади. Пичоқли киши Сайёранинг қўлидаги сумкани ва қулоқларида ялтираб турган тилла зиракни талаб қилди...

Андижон вилояти, Избоскан тумани, Тўрткўл қишлоғи, Ҳ.Олимжон кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган И.Рустамни қўлга олишганда ёнидан 700 сўм пул ва 85.000 сўмлик тилла зирак топилди ҳамда эгасига қайтарилди. И.Рустам ўзини оқлаш учун пулга муҳтож бўлганини важ қилди.

**Феруза УМРЗОҚОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот марказининг жамоатчи мухбири.**

## Тадбирлар

**Мустақилликка эришганимиздан сўнг она тилимизга эътибор янада кучайди. Зеро тил миллатнинг юзи, элнинг ғуруридир. Она- Ватанимизга меҳр-муҳаббат ҳам аввало шу тилни ўрганишга бўлган интилишдан бошланади.**

### ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида «Тил — миллат кўзгуси» мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирда она тилимизга бўлган эътибор, бугунги кунда ўзбек тилидан йироқлашиб кетаётган баъзи бир ёшларимизнинг тилга муносабатларини тиклаш, бино ва кўча пештоқларига ёзилаётган айрим саводсизларча реклама ва эълонлар, хуллас она тилимизнинг бойлиги-ю бугунги кунда оқсаётган баъзи бир ҳолатлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Айниқса адабиётшунос-олим Иброҳим Ғафуровнинг буюк бобомиз Алишер Навоийнинг ўзбек тилига қўшган катта ҳиссаси, машаққатли меҳнатлари, яратган гўзал ва бетакрор асарлари ҳақидаги фикрлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Ҳа, она тилимиз ниҳоятда бой ва уни ўз ҳолича соф асраб-авайламоқ ҳар биримизнинг бурчимиздир.

### ИФТИХОР РАМЗИ

**Ўтган йиллар мобайнида ўзбек тилининг ривожи йўлида юртимизда кўплаб ишлар амалга оширилди. Ўзбек тили давлат тили мақомини олганига ҳам 14 йил тўлди.**

Шу муносабат билан юртимиздаги олий ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларда турли хил кечалар, анжуманлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Куни кеча Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ҳам «Давлат тили миллий ифтихор рамзи» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Уни университет ректорати, ўзбек тили кафедраси, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси амалиёт кафедраси ва маркази ҳамкорликда ташкил этдилар.

Кечада Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, профессорлар Наим Каримов, Азиз Қаюмов, Эргаш Умаровлар талабалар билан жонли мулоқотда бўлдилар.

— Тил байрамини биз деярли бир ҳафтадан бери нишонламоқдамиз, университетимиз ўқитувчилари ва талабалари билан турли хил тадбирлар, спорт мусобақалари, мушоира кечаларини ҳам айнан она тилимиз байрамига бағишлаб ўтказдик, — дейди университет катта ўқитувчиси Ҳикматилла Тўлабоев.

Дарҳақиқат, университетда тил байрами катта шодиёна билан ўтди. Айниқса шоир ва олимларнинг она тилимиз ҳақидаги қимматли фикр-мулоҳазалари ва ўқиган шеърлари йиғилганларнинг кўнглини хушнуд этди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

27 октябрь-2 ноябрь



**Қўй (21 март-20 апрель)** — Ушбу ҳафта иложи борича мулойим ва босиқ бўлишингиз керак. Кўнглингизга яқин кишилар билан айниқса яхши муносабатда бўлишга ҳаракат қилинг. Сизга маслаҳат,йўл-йўриқ кўрсатувчиларга албатта қулоқ тутинг.

**Бузоқ (21 апрель-20 май)** — Ҳамкорларингиз билан режалаштирган шартномаларни тасдиқлашнинг айни вақти. Имкониятни қўлдан бой бермаганингиз сизга катта фойда бўлади.Ўйлаган режаларингиз амалга ошади.

**Эгизаклар (21 май-21 июнь)** — Бу ҳафта молиявий ишларда бироз омадингиз юришмайди. Янги ишларни бошлашда тўсиқларга учрашингиз мумкин. Таваккал қилишдан олдин яхшилаб ўйланг. Дўстларингиз сизни мушкул аҳволдан қутқаришади.

**Қисқичбақа (22 июнь-22 июль)** — Қаттиқ асабийлашиш ва ҳаяжонланиш соғлиғингизга зиён келтириши мумкин. Оиладаги арзимас гап-сўзларга эътибор қилманг. Ҳаммаси яхши бўлади.

**Арслон (23 июль-23 август)** — Ушбу ҳафта хизмат жойингизда ўзингиз тўғрингизда яхши гаплар эшитасиз ҳамда моддий рағбатлантириласиз. Режадаги ишларингизнинг ҳаммаси кўнглингиздагидек бўлади. Соғлиғингиз бироз безовта қилиши мумкин.

**Паризод (24 август-23 сентябрь)** — Нимаики ният қилган бўлсангиз аста-секин амалга ошмоқда. Кутилмаган ишлар албатта яхши натижалар беради. Эзгу мақсадлар сари интилишингиз зое кетмайди.



**Тарозу (24 сентябрь-23 октябрь)** — Агар иш жойингизда фаол ва ташаббускор бўлмасангиз, ишингизнинг унуми бўлмайди,вақтингиз бекор кетади,танбеҳ эшитасиз. Вақтни тўғри тақсимлаб, режа билан иш юритинг.

**Чаён (24 октябрь-22 ноябрь)** — Хонадонингизда бирин-кетин қувончли воқеалар бўлиши кутилмоқда. Яқинларингиз,дўстларингиз даврасида бўласиз.Баъзи майда-чуйда муаммоларни ўйлаб сиқилманг. Ҳаммаси жойида бўлади.

**Ўқотар (23 ноябрь-21 декабрь)** —Рақибларингиз ҳар бир ишингиздан хабардорлар.Рақобатда улар билан тенглашаман деб ўйламанг, ўзингиз танлаган йўлдан боравеиринг. Ҳар бир бошлаган ишингизда таваккалчилик қилишдан эҳтиёт бўлинг.

**Тоғ эчкиси (22 декабрь-20 январь)** —Моддий муаммоларни ҳал этиш билан ва даромад топишнинг янги усулларини излаш билан банд бўласиз.Бироқ, аввал зиммангизга олган мажбуриятни бажаришингизга тўғри келади.

**Қовға (21 январь-19 февраль)** —Бу ҳафта сиз ижод билан банд бўлганингиз дуруст. Кайфиятингизни туширманг.Шахсий муаммоларингизни бироз орқага суринг. Мўлжаллаган режаларингиз албатта амалга ошади.

**Балиқ (20 февраль-20 март)** — Дўстларингизга қилган ҳазилингиз сизга қимматга тушади. Ҳазилнинг таги зил эканлигига энди ишонасиз. Ҳар бир гапни аввал ўйлаб, кейин сўзлашга ўрганинг. Дўстларингиз билан муносабатингизни яхшилашга уриниг.

## Таълим

### МУҲИМ ЯНГИЛИК ДЕЯ БАҲОЛАНДИ

**Ўзбекистон Миллий университети билан Москва давлат университети ўртасида илмий алоқалар мустаҳкамланиб бормоқда. Физика-математика йўналишида олиб борилаётган тадқиқотлар ҳам ўз ижобий натижаларини бермоқда.**

Москва Давлат университетининг «Дифференциал тенгламалар» кафедрасида юрак хасталигини ҳисобий ўрганиш борасида ўтказилаётган тажрибаларнинг самарали бўлишини таъминлашда Миллий университет физика-математика факультети олимларининг изланишлари ҳам муҳим амалий аҳамият касб этди.

Факультет докторанти Мамлакат Ҳидирова эса кафедрада дифференциал тенгламаларнинг юрак касаллигини ўрганиш борасида самарали изланди. Ўзбек олимасининг юрак тўқимаси фаолияти тузилмаларини математик тадқиқ этиш юзасидан илмий хулосаси муҳим янгилик деб баҳоланди.

**Акбар АЛИЕВ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ТАШКИЛОТ, МУАССАСА, КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИСИ ҲАМДА МЕҲМОНЛАРИ**

**ДИҚҚАТИГА!**

**Тошкент почтамти қуйидагиларни сизга маълум қилади:**

**Шаҳарга келган хатларнинг 10-12 фоизи эгаларига кечикиб элтиб берилмоқда. Сабаби, бу хатларда Почта корхонасининг индекси кўрсатилмаган.**

**Шу боисдан хат ва почта жўнатмаларини юборишда албатта олувчи ва жўнатувчининг почта индексини кўрсатишни унутманг.**

**«ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ» АЖ МАЪМУРИЯТИ.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Пойтахтимизнинг ташкилот, муассаса, корхоналари раҳбарлари ва аҳолиси ҳамда меҳмонлари**

**ДИҚҚАТИГА!**

**Тошкент почтамти томонидан мижозларга қулайлик яратиш учун Бош почтамт биносида юборилаётган ўсимлик маҳсулотлари ва бошқа шу каби почта жўнатмаларини текшириб карантин сертификатлари бериш ташкил қилинган.**

**Батафсил маълумотлар бўйича телефонлар:**

**133-74-05, 133-43-67, 133-39-72**

**«ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ» АЖ МАЪМУРИЯТИ.**

Poytaxt INFORM FM 107.2
132-26-44 132-26-45

**Кўнгил учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».**

Янги «Чайка», «Веритас» тикув машиналари сотилади.
Т:22-98-05

**«Тошкент оқшоми»**
**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.**
**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.**
**Факс: (3712) 133-29-09.**
**Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204хона.**

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Эй фарзанд, илм олишга ҳаракат қил. Илмсиз ва ҳунарсиз киши ўз диёрида ҳам, ўз қариндошлари олдида ҳам хор ва беэътибор бўлади. Илмли ва ҳунарли кишилар қайда бўлмасинлар, қаерга бормасинлар, иззат ва ҳурматда бўладилар. Авлод ва аждодингни ҳунар ва илмига мағрурланиб лоф урма, наслу насабингни пеш қилиб яшашга интилма.

Байт:

**Ўзингни ҳунаринг билан**
**кер кўкрак,**
**Авлодинг шуҳратин айлама**
**тиргак.**

● Ҳар ким ақлу фаросат этагини маҳкам ушласа, мартабаси ошади ва эл ўртасида обрўли, эътиборли бўлади. Нафс буйруғига бўйин эгса хор-зорлик гирдобида ҳалок бўлади.

Афлотундан сўрадилар:

— Файласуф, олим одамсан. Қани айтчи, шунча ўқиб нима натижага келдинг?

У жавоб берди:

— Фақат бир нарсани англадим. Ҳеч нарса билмас эканман.

● Инсонга тажриба, билимлар, муқаддималари бўлган "хусуси маърифат" жуда лозим бўлгани каби, кўркамлик учун керак бўлган "камолий маърифат" ҳам лозимдир. Камолий билимлар зарур бўлган билимлардан бўлмаса ҳам баъзилари қай вақтда зарурий илмлар каби керак бўлиб қолади ва баъзан шу билим орқали ишда муваффақиятга эришилади. Шунинг учун ҳар ким бу билимлардан кучи етганича ўзига керак бўлган ҳиссасини олиш лозимдир. Бу илм кўришиб, салом бериб, ҳол-аҳвол сўрашиш, зиёфат қилишлик, хат ёзишлик ва бошқа ҳоллар ҳақида бўлган усул ва одобни ўргатади. Бу билимни ўрганиш ҳар кимга тавсия қилинади. Инсон — одоби ва гўзал юриш-туриши билан инсондир. Музика, расм каби нафис санъатлардан қайси бирини ўрганишга қобилиятинг бўлса, севсанг уни ўрган, яхши рассом, мусиқашунос бўлишга ҳаракат қил. Чунки буларнинг ҳаммаси керак бўлиб, инсонга қадр, лаззат ва саодат бағишлайди.

● Камолотга илмсиз етишиб бўлмайди ва бундай киши улуғликдан узоқдир.

Байт:

**Илм қидирсанг улуғ**
**бўларсан,**
**Ҳаёт фаровон, нурга**
**тўларсан.**

● Инсоннинг ҳаёти, роҳати — касб-ҳунар биландир. Саъй ҳаракат эса ҳаёт манбаидир. Одам замон соясида саъй-ҳаракат билан яшайди. Замонни саъй-ҳаракатга сарф этмаганлар учун ернинг ости билан усти фарқсиздир. Кишининг касб-ҳунар ўрганмай беҳуда йўлларда умр ўтказиши айбдир. Донишмандлардан бири айтади:

— Ҳар бир иш муваффақият, ҳаракат ва саъй-ғайрат орқасида ҳосил бўлади. Ялқовлик, ишёқмаслик ҳалокатга сабаб бўлади. Касб-ҳунари бўлмаган киши тўқ бўлмайди.

● Илму тавозе камтарлик билан вужудга келади.

● Яхши либос ҳуснни оширса ҳам ақлга зийнат бермайди.

## *Табиат ажойиботлари*

# ЭЛЕКТРЛИ БАЛИҚЛАР

**Электр токи ишлаб чиқарадиган балиқлар орасида электрли скат ҳамда илон балиқ диққатга сазовордир. Уларда электр энергиясини тўплайдиган махсус аъзолар бўлади.**

Ҳар бир балиқда ишлаб чиқариладиган ток кучи кўпи билан 300-500 ваттга тенг бўлади. У ҳар қандай балиқ ёки бақани ҳалок қилиши мумкин. Лекин барча балиқлар орасида Американинг тропик сувларида яшайдиган электрли илон балиқ олдига тушадигани бўлмаса керак. Бу жониворнинг танасида 8 минггача алоҳида жойлашган электр пластинкалар бўлиб, уларнинг ҳар бирига орқа миядан нерв толалари келиб уланади. Физика нуқтаи назаридан қараганда бундай мослама катта ҳажмдаги электр қувватини тўплайдиган ўзига хос тузилмадан иборат. Ана шундай йўл билан тўпланадиган электр қувватини илон балиқ вақти-вақти билан ишлатиб туради. Мазкур балиқдаги электр токи одам учун бироз сезиларли бўлсада, майда ҳайвонларни ҳалок қилиши мумкин. Йирик илон балиқда бундай ток кучи 800 ваттга тенг бўлади. Ҳисоб-китобга кўра ўн мингта балиқ бир неча дақиқа давомида электр поездини ҳаракатга келтирадиган ток бериши мумкин экан.

Денгиз тубида ҳаёт кечирадиган электрли звездачет балиғининг ов қилиш услуби жуда қизиқ. Балиқ денгиз тубида ётганида унинг кўзи ва очиқ оғзи тепага қараган бўлади. Звездачет оғзи тепасида балиқ шарпаси кўриниши билан электр қуролини ишга солади ва ҳалок бўлган ўлжа тўппа-тўғри балиқнинг оғзига келиб тушади.

Денгизда яшовчи миногалар яқин атрофда бирон-бир ҳайвон шарпасини сезганларида ўзларидан қисқа электр импульси тарқатади, электр токидан иборат ана шундай ҳар бир импульс минога танасининг бир жойидан иккинчи жойига сув орқали ўтади.

Ана шу электр импульси ўзгарса, демак кушанда борлиги аён бўлади, шу заҳоти минога ўлжага ташланиб унга ёпишиб олади-да, терисини тешиб, қонини сўра бошлайди.

Ўрта асрларда Римда скат-торпеда балиғини аквариумда сақлашар ва ревматизм хасталигини даволашда унинг электр зарядидан фойдаланишарди.

Жанубий ва Марказий Америка сувларида угорларнинг энг йирик турлари яшайди. Балиқлар галасини кўриб қолган угор уларга яқин келганида электр заряди тарқатади, унинг таъсиридан барча жонзотлар ҳалок бўлади, угор бўлса балиқларнинг энг хушхўрларини танлаб ейди.

Угорнинг гўшти маҳаллий халқ томонидан истеъмол этилади. Угорни ушлаш учун дарёга қорамоллар подаси ҳайдалади, шундан сўнг овчилар сувга тушиб ҳолдан тойган угорларни найза ёрдамида тутадилар.

**Яҳё ДАВЛАТОВ,**
**биология фанлари доктори.**

BRITISH AMERICAN TOBACCO UZBEKISTAN

# ИЖТИМОИЙ ҲИСОБОТ ТАҚДИМОТИ

**"Бритиш Американ Тобако-Ўзбекистон" компанияси мамлакатимиз жамоатчилигига 2002-2003 йиллар учун ўзининг ижтимоий ҳисоботини тақдим этди.**

— Ижтимоий ҳисобот жараёнининг асосий стратегик вазифаларидан бири, компаниялар фаолияти тўғрисида жамоатчиликда қарама-қарши фикрларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик ва мижозлар олдида масъулиятли компания бўлишга эришиш ҳисобланади,-деди "ЎзБАТ" қўшма корхонаси корпоратив масалалар бўлими менежери Бахтиёр Насимов "Туркистон-пресс" мухбирига. - "ЎзБАТ" ижтимоий ҳисобот жараёнини амалга ошираётган компаниялардан бири бўлиб, Ўзбекистонда бу ишда биринчилардан ҳисобланади. Мазкур жараённинг асосий ташкилотчиларидан бири "Бюро Веритас Русь" халқаро аудиторлик ташкилотидир. Ташкилот вакили лойиҳа бўйича ҳужжатлар ҳамда ижтимоий ҳисоботнинг энг талабчан AccjuntAbility (AA 1000) стандартига мувофиқ келиш бўйича аудитидан ўтказди. Ўзбекистон учун ижтимоий ҳисобот дастури, бу ўз ишини такомиллаштириш ва жамоатчиликка ўз ютуқлари, уларнинг жаҳон ҳамжамияти тан олган стандартларга қанчалик мос келиши тўғрисида сўзлаб беришнинг яна бир усулидир. Бу ҳар йили тайёрланадиган оддий ҳисобот бўлмай, балки компаниянинг ўз бизнесини жамоатчиликнинг истакларига мувофиқ олиб боришни кафолатлашга қаратилган жараён ҳам.

Таъкидлаш жоизки, Бритиш Американ Тобако жаҳон бозорининг 15 фоиздан ортиқ улушига эга бўлган халқаро компания ҳисобланади. У элликдан ортиқ давлатлар бозорида етакчилик қилади. Компания Ўзбекистонда 1994 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда компания республикамиз бозорига ўн олти турдаги тамаки маҳсулотини таклиф қилаётган бўлиб, улардан олтитаси хорижда, ўнтаси Самарқанд сигарет фабрикасида ишлаб чиқарилади.

**"Туркистон-пресс"**

# БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

## «М» ҲАРФЛИ БОШҚОТИРМА

**Ёйлар бўйича:** 1. 1978 йилдан фаолият кўрсатаётган ватанимиздаги радио дастур. 2. Фаолиятнинг белгиланган меъёри. 3. Кинофильмнинг парчаларини танлаб олиб мазмун ва бадиий жиҳатдан яхлит ҳолга келтириш жараёни. 4. Маълум миқдордаги сармоя. 5. Ўзбекистондаги суғурта жамғармаси. 6. Билим маскани. 7. Ўзбек мумтоз, ғазалнавис шоири. 8. Афсонавий гўзал, фаришта. 9. Безак буюм, тақинчоқ. 10. XIX аср охирларида шаклланган АҚШ молия гуруҳи. 11. Марказий Осиёдаги давлат пул бирлиги. 12. Автомат тўппонча тури. 13. Моҳир ўқотар. 14. Нефть маҳсулоти, ёнилғи. 15. Матбуот ходими, ижодкор. 16. Тарихан ташкил топган турли жиҳатлари муштарак кишилар гуруҳи. 17. Мўъжаз ҳикоя. 18. Олий ҳарбий унвон. 19. Аждодлардан авлодларга қолган бойлик. 20. Италия футбол командаси. 21. Касбини усталик билан бажарувчи. 22. Жундан тўқилган газлама. 23. Ҳикматли сўз. 24. Икки ғилдиракли транспорт воситаси. 25. Элементлар жадвали ихтирочиси, атоқли кимёгар олим. 26. Ҳавода парвоз қилиш соҳасидаги қурилманинг XIX аср ихтирочиси. 27. Сувсевар, серсоя дарахт. 28. Оптик асбоб. 29. Жисмларнинг қарама-қарши йўналган тенг кучлар таъсиридаги турғун ҳолати. 30. Танаси тиканли, меваси нордон, қорамтир ўсимлик.

### МУАММОНОМА

**Очқич сўзлар:** 1. Янги чиққан уч кунлик ойга берилган ном — 7, 3, 2, 1, 2.

2. Мақолдан: Одам 11, 9, 2 эгаси.

3. Табиий сув ҳавзаси — 4, 8, 2.

4. Куннинг мусаффо пайти — 10, 1, 5, 6.

Очқич сўзлари жавоблари асосида шакл марказидаги рақамларда яширинган ҳикматни билиб олинг.

**Тузувчи**
**Фозилжон**
**ОРИПОВ.**



Газетанинг шу йил 17 октябрь сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:

**Энига:** 7. «Садоқат». 8.Ундалма. 9. Улуғбек. 12. Учқун. 13. Қанот. 16. Оқтош. 17. Измир. 21. Паншаха. 23. Городки. 24. Солидол.

**Бўйига:** 3. Балиқчи. 4. Дажла. 5. Антей. 6. Умархон. 10. Ғулбеор. 11. Дарвоза. 14. Иқтисод. 15. Дилором. 18. Лайка. 19. Ихлос.

**Ёйлар бўйича: 1.** Тошқин. 2. Сайёра. 20. Хирмон. 22. Поплин.

МУАММОНОМА

**Очқич сўзлар:** 1. Ҳошия. 2. Маъно. 3. Гоби. 4. Рудакий. 5. «Халқ».

**Ҳикмат: Киши яхшилиги ишидан маълум.**
**Яхши йил баҳору қишидан маълум.**



**Муассис:**
**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир**
**Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

***ТЕЛЕФОНЛАР:***
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3871 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-807. Топширилди 12.30 1 3 4 5 6